

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНЕВЕРСИТЕТИ*

*“Тасвирий санъатда оқим ва йўналишлар”*

*мавзусидаги тайёрлаган*

*Суяров Нодиржон Тахирович*

*МАКОЛА*

*Наманган-2017 йил*

## **Тасвирий санъатда оқим ва йўналишлар**

Инсоният тарихи жамиятнинг муттасил тарзда тараққиётга интилишидан шаҳодат беради. Бу тараққиётнинг суръати, кўлами ва мазмуни жамият соҳаларининг мазкур жараёндаги ҳамоҳанг одими билан таъминланади.

Бу борада маданият ва санъат алоҳида аҳамият касб этади. Зеро у жамиятнинг маънавияти ва маданиятини шакллантиради. Маънавият ва маданиятсиз эса тараққиётни тасаввур этиш қийин. Биз XIX асрнинг охирги чорагидан кейинги даврда жаҳон тасвирий санъатида рўй берган тараққиёт одимлари ва омиллари ҳамда уларнинг тасвирий санъат таълими мазмунидаги ўрни ҳақида муҳтасар фикр юритамиз. Маълумки, тасвирий санъатдан умумий ўрта таълим мактабларининг санъатдаги оқим ва йўналишлар мавзууси ўтилиши назарда тутилган. Бу шубҳасиз объектив заруриятдир.

Жамият жумладан санъат тараққиётида шундай даврлар мавжудки, амалдаги усул ва воситалар давр талабини тўлиқ қондиришга ожизлик қила бошлади. Шунда ижодкор янгиликка интилиши натижасида баъзи ихтиrolарга асос солинади. Тасвирий санъат тарихидаги энг муҳим воқеа шубҳасиз санъатдаги импрессионизм, постимпрессионизм, экспрессионизм, фонизм, пуантилизм, кубизм, сюрреализм деб ном олган оқим ва йўналишларнинг кашф этилишидир.

Импрессионизм иборасининг тасвирий санъатга кириб келиши француз рассоми Клод Моне номи билан боғлиқ. Унинг 1884 йил Парижда намойиш этилган «Қуёш чиқиши олдидаги таассурот» номли асарига шарҳ ёзган журналист Матисс билан бирга кўргазмада қатнашган рассомларни «Таассуротчилар» деб атаган (французча импрессионнесме» – таассурот демакдир). Шу тариқа тасвирий санъатда импрессионистлар ва импрессионизм оқими юзага келди.

Импрессионистик рангтасвирийнинг моҳияти шундаки, унда рассом ўз таассуротини ёрқин, тоза ранглар суртмаси билан ифодалайди. Бу тез

ўзгарувчан табиатнинг аниқ бир ҳолати қуёшли кун, ёмғирли кун, тонг, пешин, оқшом ва ҳоказоларнинг тасвири бўлган. К.Монедан ташқари К.Писарро, А.Сисмет, О.Репиарлар ҳам импрессионистик рангтасвир намоёндалари ҳисобланади.

Ифода воситаларининг таъсирчанигини оширишга, борлиқдаги воқеа ва ҳодисаларни чуқурроқ англашга асосланган бу санъат тури Европа, Америка ва Осиё мамлакатлари, хусусан Ўзбекистон санъатига ҳам таъсир этди.

Л.Буре, О.Татевосян, П.Беньков, З. Кавалевская, И.Мирсоатов, А.Мирзаев, Ш.Абдурашидов, М.Юнусовларнинг ижодида импрессионизм элементларини кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синф тасвирий санъат таълими мазмунидан айнан санъатдаги оқим ва йўналишлар, номлари юқорида санаб ўтилган рассомлар ўрин олган. Бу омилни инкор этиш, тасвирий санъат дарсларда ўқувчиларга оқим ва йўналишлар ҳақида маълумот беришдек муҳим педагогик тадбирни амалга оширмаслик онгли равишда бадиий-тасвирий саводсизликка йўл очиш демакдир.

Постимпрессионизм импрессионизм таъсирида юзага келган оқим (пост-лотинча кейин) бўлиб, унинг вакиллари импрессионистлар каби тоза рангларда ишласаларда, импрессионистлардан фарқли ўлароқ, шартлиликлар орқали умумлашган образ яратишга интилганлар.

Фонизм (французча ёввойилар) вакиллари реалистик рангтасвир қонун-қоидаларига зид принциплар, бадиий услублар қўллаганликлари учун шу номга сазовор бўлганлар. Улар форма пластик масалаларни приметив усулда, ўрта аср шу жумладан шарқ санъатига хос усулда ҳал этишга интилдилар.

**Кубизм** (французча-кубисма) усулининг ҳам ватани Франция бўлиб, у XX асрнинг бошларида юзага келди ва унинг вакиллари тасвирланаётган буюмларнинг информацион имкониятларини бўрттириб кўрсатишга, уларни оддий геометрик шаклларга ажратишга интилганлар. Эскпрессионистик

(экспрессионизм-французча экспрессионисте, экспрессион-ифода ифодалилик) йўналиш ҳам XX аср бошларига хос санъат бўлиб, у Норвегия, Бельгия ва Швейцарияда кўпроқ амал қилди. (Э.Мунк, Ш. Энсор, Ф.Ходлер). Улар шакл ва образларни тасвирилашда туйғуларни деформациялаш (бузуб тасвирилаш) иллюзионистик тасвирга мурожаат этдилар. Умумий ўрта таълим мактабларида қўлланиши мумкин бўлган услублардан бири пуантилизим услубидир. (пуантилизм- французча поинтилисие, поинт-нуқта) унда рассом тоза ранг суртмасини нуқта шаклида қўллаш орқали ҳосил қиласди.

Пабло Пикассо XX аср маданиятига улкан ҳисса қўшган мусавирилардан. Унинг тасвирий санъат, ҳайкалтарошлиқ, монументал деворий сурат ва кулолчилик соҳасида яратган асарларида ўз даврининг кескин зиддиятлари урушнинг даҳшатли қиёфаси, инсон руҳининг мураккабликлари баъзан ўша мавҳум, баъзан гrotесп шаклида лекин юксак маҳорат билан акс эттирилган.

Пикассо ўтган асрнинг энг сермаҳсул ижодкорлари сирасига киради. Унинг ижодий услуби бугунги кунда ҳам кўпчиликни ҳайратга солади. Масалан, баландлиги уч, узунлиги саккиз метр келадиган машхур «Герника» асарини у бор-йўғи бир ой ичида чизиб битирган. Тасвирий санъатнинг бир қанча йўналишларига асос соглан мусаввир ижодида реализм, абстракционизм, кубизм ғоялари ажиб бир уйғунлик касб этган.

Санъатдаги оқим ва йўналишларни таълим мазмунида акс этишининг объектив зарурат эканлиги шундаки, бугунги кунда ўзбек рассомлари ўзларининг авангард йўналишдаги асарлари билан дунёни забт этмоқдалар.

Асарлари Америка, Европа ва Осиё мамлакатларида юқори баҳоланаётган рассомлар Б.Жалолов, Ж.Умарбеков, А.Мирзаев, А.Нуриддинов, О.Қозоқов, Э.Исҳақов, С.Алибеков, Б.Муҳаммедов. Ш.Абдуллаеваларнинг ижодида юқори таърифлаб ўтилган оқимларнинг таъсири сезиларли.

Айни пайтда улар жаҳоншумул аҳамият, нуфуз касб этиб бораётганлиги боис, ундан мактаб ўқувчилари ҳам воқиф бўлишлари давр талабидир.

### Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори Тошкент Шарқ нашриёти матбаа концернининг бош таҳририяти 1997 йил
- 2.Р.Ҳасанов «Нарсанинг ўзига қараб расм чизиш». Т.Ўқитувчи 1968 йил
- 3.Орипов.Б «Тасвирий санъат асослари» Наманганд 1994 йил
- 4.Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги, Таълим маркази, «Йўриқнома ва режалаштириш» Т.2000 йил
5. «Тафаккур» журнали 2001 йил 4-сон